

MILLIY TIKLANISH

4 (221)

2013 йил 30 январь, чоршанба

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

МАМЛАКАТИМИЗДА демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини шакллантириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фукаролар онгида хукукий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда.



МАРГИЛОН шахридаги енгил саноат касб-хунар коллежида саккиз юздан ошик ўгилкиз тикувчилик, тикув-трикотаж, компьютер жихозларини созлаш, тикув машиналари чилангар-механиклиги каби йўналишларда тахсил олмокда.



МАЛАЙЗИЯДА жойлашган эгизак миноралар дунёдаги энг баланд бешта миноралардан бири хисобланади. Петронас Тауэрсни бунёд этишда жахон меъморчилигининг замонавий усул ва технологияларидан кенг фойдаланилган.



3 ПАРТИЯ ХАЁТИ

5 маънавият

7 РАНГИН ДУНЁ

• ХАБАРЛАР

Қонун ижроси билан кучли

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат бошқаруви, махаллий ижро этувчи хокимият органлари, хукуқни мухофаза қилувчи ва назорат идораларида хукуқни кўллаш фаолиятининг долзарб масалаларига багишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, 2012 йилда 19 давлат бошқаруви, хукукни мухофаза килувчи ва назорат идоралари фаолияти ўрганиб чиқилган. Уларда аниқланган қонунбузилиш қолатлари ва камчиликлар хамкорликда ўтказилган йигилишларда атрофлича мухокама қилинган. Натижада қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган идоравий хужжатлар, ноқонуний қарорлар бекор қилиниб, мутасадди мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, фаолияти ўрганилган идоралар ходимларининг касбга доир билимларини ошириш юзасидан хуқуқий тарғибот тадбирлари, семинар ва давра сухбатларини ташкил этиш, хукукни кўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан атрофлича фикрлашилди.

Сайёхлик салохияти

30 январь куни Ўзбекистоннинг сайёхлик салохияти Мадридда ўтказиладиган "FITUR — 2013" халқаро сайёхлик ярмаркасида намойиш этилади.

"Ўзбектуризм" МК маълумотларига кўра, халқаро ярмаркада Узбекистоннинг сайёхлик салохияти ва барқарор инвестиция мухитига бағишланган иккита такдимот намойиш этилиши режалаштирилган. Халқаро кўргазма доирасида Ўзбекистон делегацияси иштирок этган тадбирда БМТнинг Бутунжахон сайёхлик ташкилоти бош котиби Талеб Рифаи Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўзининг бебахо маданий ва тарихий мероси билан ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бетакрор, туристик салохиятига эга мамлакат эканлигини алохида таъкидлади.

Кўргазма 3 февралгача давом

Тиббий хизмат

Фаргона вилояти шахар ва туманларида Саломатлик хафталиги тадбирлари ўтказилмокда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Она ва бола скрининг маркази томонидан ўтказилаётган Саломатлик ҳафталиги тадбирларида малакали шифокорлардан таркиб топган гурухлар жойларда булиб, ахолини тиббий курикдан ўтказмокда. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар, кекса ва ногиронлар чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур холларда улар саломатлигини мустахкамлаш чоралари кўрилаётир. Хафталик давомида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соглом турмуш асослари ва унинг омиллари хусусида давра сухбатлари, тушунтириш ишлари олиб борилди.

• ФРАКЦИЯ ХАЁТИ



Фракция йигилиши

қонун лойихалари мухокама қилинди

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, УзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, партия фаоллари хамда ОАВ вакиллари ишти-

Фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўгрисида"ги масалани хам кўриб чикдилар. Қайд этилганидек, Қонунчилик палатасининг ўтган йилдаги фаолияти "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгилаб берилган давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг янги боскичида мамлакатни модернизация қилишнинг энг мухим вазифаларини ҳал этишга қаратилди.

Йигилишда сўзга чиққан депутатлар мазкур фаолиятда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан қонун ижодкорлиги, парламент на-

зорати, турли хил тадбирлар ўтказиш, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда электорат манфаатларини химоялаш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни хаётга татбиқ қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганини эътироф этишди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП фракциясининг бир гурух аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов конунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўгрисида»ги хамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар кенгашларига сайлов тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

2-бет

• ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Электорат манфаатларини химоя қилиш

йўналишидаги вазифалар жорий йилда янги боскичга кўтарилади

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси хамда партия Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кумитаси хамкорлигида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир" мавзусидаги хамда Вазирлар Махкамаси мажлисидаги "Бош максадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузалари юзасидан "Обод турмуш йили"да ЎзМТДП олдида турган долзарб вазифалар" мавзусида давра сухбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси авзолари, партия Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қумитаси девони ходимлари, халқ депутатлари махаллий кенгашларга УзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари хамда партия фаоллари иштирок этди.

Семинарда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда мустакилликнинг илк кунлариданок хукукий демократик давлат куриш, эркин фукаролик жамиятини шакллантириш борасида изчил ва боскичма-боскич кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмокда. Айникса, фукаролик жамиятининг мухим институти саналган сиёсий партиялар фаолиятининг хукукий асоси ва механизмлари яратилгани уларнинг мавкеини янада

2-бет

• ЖАРАЁН

ЎзМТДП фракцияси фаолияти:

Барча саъй-ҳаракатларимиз инсон манфаати ва юрт ободлигига қаратилган

Якунланган 2012 йил тарих зарварақларига мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтарган йил сифатида мухрланди. Мухтарам Юртбошимизнинг 2012
йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган
иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига
бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги
"Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли
маърузасида эришилган натижалар аниқ ва батафсил
тақдим этилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, дунё миқёсида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалишига эришилди. Ўзбекистон жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлади. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суратлари — 8,2,

саноат ишлаб чиқариш 7,7, қишлоқ хўжалиги 7, чакана савдо айланмаси 13,9, экспорт салохияти эса 11,6 фоизга ўсгани жахон хамжамияти экспертларининг хақли равишдаги эътирофига сазовор бўлаётгани барчамизга чексиз мамнуният ва ифтихор туйгуларини бахш этди.

4-бет

МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини кўтаринки рух билан қабул қилдик. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги мавкеи ва ролини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда давлатимиз рахбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги ётади.

Эътибор ва **гамх**ўрлик

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.







СИЁСАТ

ФРАКЦИЯ ХАЁТИ



Фракция йигилиши

конун лойихалари мухокама килинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу хукукий хужжат мамлакатда яратилган мустақил ва ноёб сайлов тизимини янада демократлаштириш, хусусан, сайлов жараёнларининг янада ошкора ва очик бўлишини таъминлаш, сайловолди ташвикотини ўтказиш механизми, сайлов комиссияларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йигилишида Қонунчилик палатаси мухокамасига киритилиши режалаштирилган «Табиий монополиялар тўгрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш хакида»ги конун лойихаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳада бозорнинг жадал ривожланиши, сохага кирию келаетган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши хисобига истеъмолчиларнинг талаби тўлароқ қондири-

лиши муносабати билан «Табиий монополиялар тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритилмокда. Бу ўзгартиш келгусида соглом рақобат мухитини яратиш имконига эга бўлган бозор сохаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар руйхатидан чиқаришни назарда тутади. Депутатлар эътироф этишганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган махаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рагбатлантириш асосида миллий махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хукукий ва иктисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашга хизмат килади.

Фракция йиғилишида «Узбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Узбекистон Рес-

публикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида»ги қонун лойихаси мухокама қилинди.

— Қонун лойихасида болаларни фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатини судларга бериш таклиф этилмоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Тўхташев. — Яъни болалар ва фарзандликка олувчилар хуқуқларининг суд томонидан химояланишини таъминлаш, фарзандликка олишнинг сир сақланишини кафолатлаш ва конун хужжатлари бузилишининг олдини олишда мухим ахамият касб этади. Қолаверса, қонун лойихаси миллий анъаналаримиз ва замон талабларини хисобга олган холда оила институтини янада такомиллаштириш хамда ривожлантириш, вояга етмаганларнинг ҳақхукуклари химоясини мустахкамлашга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий максадла-

бўлиши шубхасиз. Депутатлар томонидан «Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шахри ва Хўжайли тумани худудларини бирлаштириш ҳамда Тахиатош шахрини туман бўйсунувидаги шахарлар туркумига киритиш тўгрисида»ги Ўзбекистон

Йигилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли

Камолиддин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

рида инсон хукуклари ва эркинликларини химоя қилиш — шахснинг фаровонлиги хамда хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш сингари мухим вазифаларни амалга оширишда хуқуқий асос

Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг карори лойихаси мухокама қилинди ва маъқулланди.

қарорлар қабул қилинди.

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Электорат манфаатларини химоя килиш

худуд учун устувор тармоқлар-

қилиш, жамиятда хуқуқий ма-

даниятни юксалтиришда барча

даражадаги депутатлар ва худу-

дий партия ташкилотларининг

лохазаларини билдирдилар.

Маърузада белгиланган усту-

вор йўналишлардан келиб чиқ-

етакчиси.

йўналишидаги вазифалар жорий йилда янги боскичга кўтарилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз рахбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида сиёсий партияларга эътибор қаратиб: "Таъкидлаш керакки, хар қандай демократик тизим негизида ётган — хокимиятнинг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва судхукук тармокларининг вазифа ва ваколатларини аник белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз" деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда кечаётган демократик ўзгаришлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси хам фаол иштирок этишга интилмоқда. "Обод турмуш йили"да ҳам зиммамизга алохида масъулият юкланади. Жумладан, партиямиз сайловолди Платформасидан келиб чиққан холда, жорий йилда юртимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фукаролар ва миллатлараро ахиллик ва хамжихатликни кўз қорачиғидек асраш ва мустахкамлаш, ахоли фаровонлиги ва унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, фуқаролар саломатлигини химоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучаитириш масалаларига алохида эътибор қаратилади.

Шунингдек, партия рахбари Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси хакида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

 Президентимиз Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" мавзусидаги маърузаларида таъкидланганидек: "2012 йилда Узбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, ахоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустахкамлади. Экспорт хажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган махсулотлар таркиби ва

сифати яхшиланиб бормокда". Давлатимиз рахбарининг дастурий маърузаларини ўрганар эканмиз, жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилингани муносабати билан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича қатор чора-тадбирларни, жумладан, инсон хуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини химоя қилишни, ахолининг, айниқса, кишлок ахолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш зарурлигига алохида эътибор қаратдилар. Бундан ташқари ўтган йилда ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифаларига алохида

тўхталдилар. Хусусан, ҳар бир

ни аниқлаш, табиий хом ашё ресурсларидан янада тўликрок фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар сохасини ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чикиш вазифаси қўйилди. Мазкур вазифалардан келиб чиққан холда, "Обод турмуш йили" учун қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини химоя

фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш олдимизда турган долзарб вазифа саналади, - деди пировардида партия Тадбирда партиямиздан махаллий Кенгашларга сайланган депутатлар Юртбошимиз маърузаси юзасидан ўз фикр-му-

қан қолда депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифаларни эътироф этдилар.

Таъкидланганидек, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, маҳаллани обод қилиш, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга кўмаклашиш ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар сирасига киради. "Обод турмуш йили" юзасидан қабул қилинадиган Давлат дастурининг ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлари жонбозлик кўрсатиб, турмушимизнинг янада фаровон бўлишига хисса қушадилар.

Семинар якунида партия Бухоро вилоят Кенгаши ва депутатлик гуруҳларининг "Обод турмуш йили"да партия электорати манфаатларини самарали химоя этиш юзасидан чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Эркин НЕЪМАТОВ, Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги **УзМТДП депутатлик гурухи рахбари:**

— Давлатимиз рахбари "Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" мавзусидаги маърузаларида "барчамиз, аввало, катта-кичик рахбарлар бир нарсани эсимиздан чикармаслигимиз лозим. Хар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз мехнатига яраша муносиб маош олишига богликдир", деб таъкидлагандилар. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП депутатлик гурухлари фаолиятини кучайтириш, фукаролар мурожаати билан ишлашни янада такомиллаштириш, вилоят Кенгаши сессияларига партиямиз сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ташаббус-масала киритишимиз муҳим аҳамият касб этади. Бугунги семинарда партия етакчиси томонидан тақдим этилган маъруза орқали жорий йилда депутатлик гурухимиз олдида турган долзарб вазифалар ва амалга оширишимиз лозим оулган ишларимиз хақида аниқ тасаввурга эга бўлдик. Навбатдаги вилоят кенгаши сессияларига электорат манфаатларига хизмат қиладиган, партиямиз дастурий мақсадларини ифода этадиган бир қатор масалаларни олиб чиқишни режалаштирдик.

Тўймурод ЯКИБОВ, **УзМТДП В**обкент туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда барча сохаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва модернизация жараёнларини изчил давом эттиришга қаратилган маърузалари иш фаолиятимизда дастуриламал бўлади. Айтиш жоизки, давлатимиз рахбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари хамда 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузасида истиклол йилларида демократик хукукий давлат барпо этиш, фукаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган ютуқларимизни изчил давом эттириш, жорий йилда хам мамлакатимиз иктисодиётининг баркарорлиги юкори суръатларда ўсишини таъминлаш, ахолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Тадбирда партиямиз дастурий максадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан холда худудда сервис хизматлари кўрсатиш, хусусан, туризм сохаси, миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратилди. Бунда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар ва бошланғич партия ташкилотларини кенг жалб этиш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Аслиддин НИЗОМОВ, Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати:

— Давлатимиз рахбари Вазирлар Махкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари хамда 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида: "Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз ахолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади"

Ушбу долзарб вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари зиммасига алохида масъулият юклайди. Модомики шундай экан, жорий йилда махаллий Кенгашларга сайланган депутатлар хамда худудий партия ташкилотлари билан хамкорликни янги боскич ва даражага кўтариши талаб этилади.

Камолиддин САИДКУЛОВ, Шохида ДАМАНОВА,

"Milliy tiklanish" мухбирлари

МУНОСАБАТ

Эътибор ва ғамхурлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур улкан бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий максад инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Амалга оширилаётган чуқур ислохотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг мавкеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алохида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидаги юксак масъулияти ва бурчини чуқур англайдиган, ўзининг хайрли ишлари билан Ватан равнақига хисса қўшишга интиладиган хотин-қизларгина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги хаётни барпо этишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб вояга

Бугунги кунда хотин-қизлар нафакат оилада, балки давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларида ўзларининг бор билим ва истеъдодларини кўрсатиб, фаолият олиб боришаяпти. Хусусан, сиёсий партиялар тизимида ҳам аёлларнинг фаоллиги ортиб бормокда. Узбекис-

етказиши мумкин.

тон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилган бўлиб, хозирги пайтда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Бугунги кунда ЎзМТДП аъзоларининг 42 фоизи, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимизнинг 5 нафари, вилоят туман ва шахар микёсидаги махаллий Кенгаш депутатларимизнинг эса 188 нафари аёллардан иборат.

УзМТДПда "Аёллар қаноти" катта куч ва имкониятга эга. Эътироф этиш жоизки, сиёсий фаол, дахлдорлик туйгуси билан яшайдиган, интеллектуал салохияти юксак хотин-қизларни ўз сафига жалб қилиш борасидаги ишлар мунтазам давом эттирилмокда. Жумладан, "Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғибташвиқ этишда мухим ахамият касб этмоқда. Танлов иштирокчилари ўзларининг хукукий, сиёсий билим даражаларини мустахкамлаб, дунёкарашини кенгайтириб, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконига эга бўлишмоқда. Шунингдек, партия "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Юксак маънавиятли оила оркали юксак тараккиёт сари" лойихаси хам амалга оширилмокда. Лойиха доирасида хотин-қизларнинг ижтимоийсиёсий фаоллигини ошириш, хукукий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларни қўллабқувватлашга қаратилган турли тадбирлар ташкил этилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар оркали партиямиз юртимизда ҳар жихатдан доно, ташаббускор ва оқила аёлларни излаб топиб, уларни қўллаб-қувватлаш ва мехнатини рагбатлантиришга муносиб хисса қўшишга интилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нахотин-қизлар тижасида жамиятдаги ижтимоий, иктисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этилиб, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кенгайтирилмоқда. Қайси сохада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона мехнати, фаолияти, истеъдоди давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Улар орасида корхоналар, ташкилотлар ва ННТ рахбарлари, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим сохалари намояндалари бор. Турли сохаларда хизмат қилаётган юзлаб хотин-қизлар давлатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медалларига сазовор бўлган.

Аёлларнинг, айникса, оиладаги, фарзанд тарбиясидаги ўрни нихоятда мухим ва алохининг юксак маънавиятли эканлиги мухимдир.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш ва касаначиликка жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратилиб, унинг хажми йилда-йилга ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани улар фаолиятини янги боскичга кутариш-

Ханифа ЗОКИРОВА, ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони хотинқизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари

да мавкеда туради. Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соглом, маънан етук, интеллектуал салохияти юксак килиб тарбиялашда оналар аёллар зиммасига катта масъулият юкланади. Баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда ўз ўрнини топишларида оналар-

га замин бўлмокда.

бўлими бошлиғи

Ўзбекистон "Миллий

тикланиш" демократик

партияси Фарғона

мида ижтимоий-

вилоят Кенгаши Иж-

роия Кўмитаси томо-

нидан "УзМТДП тизи-

маънавий лойихаларни

ишлаб чиқиш ва амалга

ошириш куникмаларини

шакллантириш" мавзу-

ташкил этилди. Унда

Олий Мажлис Қонунчи-

аъзолари, партия вило-

партия ташкилотлари

фаоллари, халқ депу-

УзМТДПдан сайланган

депутатлар ва ОАВ

вакиллари иштирок

этди.

килинди.

татлари Фарғона

вилоят Кенгашига

ят Кенгаши Ижроия

сида уқув-семинар

лик палатасидаги

Кўмитаси девони

ходимлари, худудий

УзМТДП фракцияси

ПАРТИЯ ХАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Партия гоялари таргиботи

уни замонавий лойихалар асосида ташкил этиш — долзарб вазифа



Семинарда ЎзМТДП дастурий максадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, партия мафкураси ва гоясини таргиб этишда янгича усул ҳамда ёндашувларни жорий этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий лойихалар асосида амалга оширишга алохида эътибор қаратилди. Шунингдек, партия кадрларининг сиёсий, хуқуқий, маънавий-маърифий билимларини юксалтириш хамда депутатлик шулар жумласидандир. гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш масалалари мухокама

Таъкидланганидек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қумитаси томонидан жамиятда хуқуқий маданиятни юксалти-

риш, кадрлар салохиятини ошириш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган қатор лойихалар амалга оширилмокда. Хусусан, "Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони", "Миллий тикланиш гоясининг энг яхши тарғиботчиси", "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истикболи" каби мавзудаги кўрик-танлов, ўқувсеминар ва давра сухбатлари

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Лобар Қосимова сўзга чиқиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини шакллантириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фукаролар онгида хукукий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси хамкорлигида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-мохиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва электорат манфаатларини химоя қилишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилмокда. "Миллий ва маънавий қадриятлар — мустахкам оила асоси", "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги ахамияти", "ЎзМТДП фракциясининг халқ депутатлари махаллий Кенгашлари депутатлик гурухлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада

такомиллаштириш масалалари" каби тарғибот тадбирлари УзМТДПнинг гоя-максадлари ахолининг турли қатламлари орасига чукур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлари сафини кенгайтириш, партиямиз электорати манфаатларини ифода этиш хамда химоя килишга қаратилган вазифаларни амалга оширишда мухим ахамият касб этди.

Семинар давомида ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформаси доирасида амалга оширилган лойихалар чуқур тахлил этилиб, ўтказиб келинаётган лойихалар натижалари, ютуқ ва камчиликлар ҳамда муаммолар ўрганилди. Эътироф этилганидек, партия иши янги усулларда, хусусан, лойихалар асосида ташкил этилаётгани, партия кадрлар захираси учун замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикр-

лай оладиган, дунёқараши кенг, юксак салохиятли ва иктидорли ёшларни янада кўпрок жалб этишда мухим ахамият касб

Ўқув-семинар сўнгида ўтилган барча машғулотлар муҳокама этилди, семинар ишини бахолаш юзасидан сўровнома

Рустам РАУПОВ, ЎзМТДП Фаргона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони рахбари:

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида сиёсий партияларнинг жамият тараққиётидаги таъсир кучи ошиб, партиялараро ракобат тобора кучаймокда. Бу сиёсий партиялар фаолиятида юз бераётган ўзгаришлар, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилаётган саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, ЎзМТДП олдида ҳам айни жараёнда фаол иштирок этиш, партия гояси ва мафкурасини замон талаби асосида янгича қарашлар билан бойитиш ва шакллантириш, электорат манфаатини самарали химоя қилиш орқали партия сафини янада кенгайтириш каби бир қатор долзарб вазифалар турганлигини алохида эътироф этиш зарур.

Укув-семинарда "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" гоясига асосланган лойихани янада ривожлантириш, шунингдек, бошқа янги ижтимоий-маънавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари мухокама қилингани айни муддао бўлди.

> Шохида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

УзМТДП дастурий максадлари

фаолиятимиз мезонига айланмокда

Юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, мамлакатни модернизация қилиш, демократик жамият барпо этиш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият хаётидаги ўрни ва ролини ошириш, инсон хукукларини химоя килиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда кечаётган ана шундай кенг кўламли ишларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, фукароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, миллий тикланиш гоясини кенг омма, жумладан, партиямиз электорати хаётининг ажралмас қисмига айлантириш, миллий қадриятлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишни ўзининг асосий мақсадларидан деб билади. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 19 минг 249 нафар УзМТДП аъзоси бор. 310 та бошлангич партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга УзМТДПдан сайланган 80 нафар депутат худудда партиямиз дастурий максад ва гояларини таргиб ташвиқ қилиш, электорат манфаатларини химоялаш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда самарали фаолият кўрсатишмокда.

Партия вилоят Кенгаши томонидан 2012 йилда 700 га яқин маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда тадбир, давра сухбати хамда учрашувлар ташкил қилиниб, уларнинг аксарияти партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан қолда фуқароларимиз онгида тарихий ўтмиш ва хозирги кундан фахрланиш туйгусини шакллантириш, мамлакатимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш ҳамда "Мустаҳкам оила йили"га бағишланди. Жумладан, 2012 йил давомида маф-

куравий ва маънавий-маърифий йўналишда жами 396 дан ортик тадбир ўтказилиб, уларда 36 мингдан ортиқ партия фаоллари ва вилоятимиз ахли иштирок этди. "Миллий тикланиш ғояси — миллий тараққиёт таянчи ва асосидир", "Миллий бозорни ривожлантириш — устувор вазифа", "Махаллаларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари", "Махалла - бетакрор миллий ва демократик қадрият" каби мавзуларда давра сухбатлари, учрашув

ва мулоқотлар ташкил этилди. Эътироф этиш жоизки, таргибот тадбирларида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмийтарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйгусини уйготиш, юксак маънавиятли ва ахлокли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш масалалари мухокама қилинди. Бундан ташқари ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мафкуравий масалалар бўлими ташаббуси билан Республика микёсида "Миллий тикланиш гоясининг энг яхши тарғиботчиси" танлови партия вилоят Кенгаши томонидан кўтаринки рухда ўтказилди.

Маълумки, миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, хотин-қизларимизнинг ўрни беқиёс. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боглиқ. Шу нуқтаи назардан мустақиллик йилларида давлатимиз рахбари ташаббуси ва рахнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавкеини мустахкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, аёлларнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари хамда соғлом ва мустахкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга алохида эъти-

бор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, хотинқизларнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлаш ЎзМТДПнинг устувор максадлари сирасига киради. Бу борада партия Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан хотин-қизлар ва ёш оилалар иштирокида "Оила мустахкамлигини сақлайлик", "Маънавият оиладан бошланади", "Оилага мухаббат — Ватанга муҳаббат", "Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши", "Мустаҳкам оилани вужудга келтириш ва асраб - авайлашда хотин-қизларнинг роли" каби мавзуларда 130 дан зиёд тадбир ўтказилди. Хусусан, ЎзМТДП Иштихон туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими, туман бандликка кўмаклашиш маркази хамкорлигида ташкил этилган "Миллий ҳунармандчилик оилавий тадбиркорлик асоси" мавзусидаги давра сухбатида оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлан-

тириш, бу борада учраётган му-

аммолар ва уларни хақида сўз борди.

Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаол-

лари ЎзМТДП дастурий максад-

Партия Самарқанд вилоят

ларидан келиб чиққан қолда ёш авлодни маънан ва жисмонан етук, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кумаклашиб келмокда. ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси, партия Самарқанд вилоят Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд худудий бўлинмаси, Республика Маънавият таргиботи маркази вилоят бўлими, Самарканд давлат университети жамоаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асаридаги гояларнинг миллий давлатчиликни ривожлантиришдаги ахамияти" мавзусида давра сухбати ўтказилди. 600 нафар иштирокчи қатнашган мазкур тадбирда асардаги гояларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва ахамияти тўгрисида маърузалар тингланди. Бундан ташқари "Демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг иштироки", "Ўзбек ёшлари жахон нигохида", "Битирувчи ёшларни касбга йўналтириш" каби мавзуларда ёшларнинг таълим олиши, санъат ва спорт билан шуғулланиши, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган қатор амалий тадбирларда 12 минг 496 нафар иштирокчи қатнашди. Юртимизда амалга ошири-

лаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнининг бугунги босқичида партия гоя хамда мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, кадрлар салохиятини юксалтириш, электорат манфаатларини таъминлаш ва химоя қилиш, сиёсий партиялар олдида турган энг



долзарб вазифалардан бири саналади. Бу борада ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ўқув-услубий ва ахборот-тахлил масалалари йўналишида фаолиятини самарали ташкил қилиш ва партиявий дастур ва максадларни рўёбга чиқаришда мунтазам фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили "ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари фаоллиги ва масъулиятини оширишнинг долзарб масалалари", ЎзМТДП мақсад ва гояларининг депутатлик гурухлари фаолиятида акс эттирилиши аҳамияти", "Партия электорати мурожаатлари билан ишлаш: технологияси ва асосий йўналишлари" каби мавзуларда 70 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда 4 минг 500 нафардан ортиқ партия фаоллари ва вилоятимиз ахли иштирок этди.

Сиёсий партияларнинг максад ва гоясини кенг омма ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишда оммавий ахборот воситалари алохида ўрин тутади. Партия Самарқанд вилоят Кенгаши етакчилари ва фаоллари ўтган йилда Республика ва махаллий оммавий ахборот воситаларида 522 та чиқиш қилишди. Мухтасар айтганда, ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши партиямиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмокда.

> **Хабиба МАХКАМОВА**, **ЎзМТДП** Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари

ХРОНИКА

Баркамол авлод

обод турмуш ва бахтли келажак яратувчиси

КОРАКАЛПОГИСТОН

Жорий йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берилиши Ватан тақдири билан ўз тақдирини чамбарчас боғлаган қар бир юртдошимиз қалбига кўтаринкилик бахш этди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси худудий ташкилотларида хам йил муносабати билан турли семинар ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Обод турмуш йили"да ЎзМТДП олдида турган вазифалар" мавзусида семинар ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари хамда халк депутатлари махаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гурухлари аъзолари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Емберган Бауетдинов кириш сўзи билан очиб, давлатимиз рахбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-мохияти ва ундан келиб чикадиган вазифаларга эътибор каратди.

Йигилишда сўз олганлар "Мустахкам оила йили"нинг мантиқий давоми сифатида бошланган "Обод турмуш йили"да ҳам УзМТДП Корақалпоғистон Республикаси Кенгаши партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган максад ва вазифалар тарғиботи йўлида янада фаоллик билан қаракат қилиши зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, жорий йил муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан хам фикр-мулохаза ва таклифлар билдирилди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида факатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас, - деди ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Улуғбек Жалменов. — Зеро, ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни хеч қачон нихоя билмайди. Давлатимиз рахбари Бош комусимизнинг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида халқимиз орзу-истакларини амалга ошириш, хаётимизни янада фаровон килиш ва тараккиётни ривожлантириш масалаларига алохида эътибор қаратди. Жорий йилда мазкур маъруза асосида ҳаётимизнинг барча сохаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар янада жадаллашади. Шунингдек, мазкур жараёнларда ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатлари масъулиятни хис қилган холда иш олиб боришлари фаолиятимизда мухим ахамият касб этади.

КАШКАДАРЕ

ЎзМТДП Косон туман Кенгаши ташаббуси билан "Бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДПнинг бош таянчи" мавзусида тад-

Тадбир бошлангич партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, қуйи бўғин етакчилари билим ва савиясини ошириш, улар атрофига ҳар жиҳатдан етук ва баркамол ёшларни бирлаштириб, келажак эгаларини партия мақсад ҳамда ғоялари тарғиботи йўлидаги эзгу ишларга йўналтириш мақсадида ташкил этилди.

- Бошлангич партия ташкилотлари бош таянчимиз эканлигини хисобга олиб айнан қуйи бўгинлар фаолиятига алохида эътибор қаратяпмиз, - деди ЎзМТДП Косон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Жабборов. — Бу борада партия томонидан катор ўкув-семинар, тарғибот тадбирлари ташкил этилмокда. Тадбирларимизда қуйи бўғин етакчиларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, уларнинг махаллий Кенгашларга УзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия туман кенгаши билан мустахкам алоқасини йўлга қўйиш, аъзолар сафини ёшлар хисобига бойитиш хамда партия гояларини бевосита халқ орасида, қишлоқ ва махалла фуқаролар йиғинларида кенг тарғиб қилиш масалаларига эътибор қаратяпмиз. Утган йили ташкил этилган "Куйи бўгинлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги ўкув-семинар хамда "Бошлангич партия ташкилотлари ЎзМТДП таянчи", "Қуйи бўғинлар фаолиятини янги босқичда кўтаришда ЎзМТДПнинг ўрни" каби турли тадбирлар натижасида БПТлар фаоллиги янада ортди. Бугунги тадбирда хам жорий йилда тумандаги қуйи бўғинлар фаолиятини янги босқичга кўтариш масаласи мухокама қилинди. Зеро, жорий 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ҳам зиммамизга алохида масъулият юклайди.

Тадбирда ЎзМТДП Косон туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгашига партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Учқудуқ туман Кенгаши томонидан "Экологик хавфсизликни таъминлаш миллат соғлигини химоя қилишнинг бош омили" мавзусида давра сухбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, бошлангич партия ташкилотлари етакчилари, махалла фукаролар йигинлари фаоллари хамда ёшлар иштирок этди.

Мулоқот доирасида "Одамларнинг табиатга бўлган маданий муносабатини шакллантириш", "Табиат бойликларидан самарали фойдаланишнинг мухим ахамияти", "Инсоният генафондини химоя қилишда экологик маданиятнинг роли", "Сув — тирикликнинг асосий манбаи" мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбирда таъкидланганидек, Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида хам экологик хавфсизликни, айниқса, миллатнинг соғлиги ва генафондини химоя қилиш, хусусан, Оролбўйи хамда экологик ва табиий фалокатлар хавфи бўлган худудларда истикомат килаётган ахолининг саломатлигини мухофаза қилишга кўмаклашиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш учун худудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, ўтказилаётган таргибот тадбирлари сони ва сифатини ошириш талаб этилади. Хусусан, ташкил этилаётган тадбирларда атрофимизда содир бўлаётган турли экологик муаммолардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни сергакликка чорлаш, она-заминни асраш нафақат инсоний бурч, балки ўлмас қадрият эканлигини англатиш мухим ахамият касб этади.

Давра сухбатида тирикликнинг мухим манбаи хисобланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ахолини ичимлик сувини тежаб ишлатишга даъват этишда махалла тизими ходимларининг фаоллигини ошириш борасида хам фикр-мулохазалар билдирилди.

Келажак авлодга озод ва обод, экологик тоза мухитни мерос қилиб қолдириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги, буни ҳар доим ҳис этган ҳолда она табиатни асраб-авайлаш лозимлиги давра сухбати иштирокчилари томонидан алохида таъкидланди.

> Ш.ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, давлат жами харажатларининг қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соха, жумладан, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроги соглиқни сақлашга йўналтирилгани мазкур сохаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашни ўзининг сайловолди Платформасида белгилаб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари учун айни муддаодир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Конунчилик палатасидаги фракциясининг 2012 йилдаги фаолиятида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"даги вазифаларни амалга ошириш устувор йўналишни ташкил этди.

Хусусан, партиямизнинг дастурий мақсад ва гояларидан келиб чиқиб, ўтган йил мобайнида фракциямиз аъзолари асосий эътиборни миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, махаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салохиятини ошириш, миллий бозорни тараққий эттиришга қаратилган қонунчилик механизмларини мустахкамлашга қаратдилар.

"Оилавий тадбиркорлик

тўгрисида"ги, «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўгрисида»ги, "Сугурта фаолияти тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, «Хусусий банк ва молия институтлари хамда улар фаолиятининг кафолатлари тўгрисида»ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киригиш ҳақида"ги ва бошқа қатор қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш, қабул қилинишида партиямиз нуқтаи назарини қатъий химоя қилиш борасида самарали фаолият олиб борилди, дейишимиз мумкин.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да Юртбошимиз ташаббуси билан таклиф этилган қонун лойиҳалари сирасида фракциямиз бир гурух аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида "Сайлов хуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўгрисидаги қонун хужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўгрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сайлов тўгрисида"ги Узбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш ҳақида"ги Узбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг Қонунчилик палатасига киритилиши ва қабул қилиниши биз учун мухим ахамият касб этди.

Мазкур Қонун мамлакатимизда сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш жараёнида номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиб бериш, сайловларнинг очик ва ошкоралиги принципларини мустахкамлашда мухим ўрин тутиши билан бир қаторда, ҳар бир фуқаронинг танлаш эркинлиги ва хохиш-иродасини ифода этиш принципини, миллий давлатчилигимиз асоси этиб белгиланган давлат хокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланишга оид конституциявий хуқуқини янада тўлиқ амалга оширишни таъминлаши шубхасиз.

Айни вақтда фракциямиз ташаббуси билан тайёрланаётган "Болалар ўйинчоқларининг

хавфсизлиги тўгрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг айрим моддаларига (36, 75, 117, 119, 121, 125, 137-моддаларига) ўзгартишлар киритиш тўгрисида"ги, "Вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлиги тўгрисида"ги қонунлар лойихалари юзасидан йил мобайнида жойларда бир катор тадбирлар, мухокамалар ташкил этилиб, уларда фракциямиз аъзолари, партиямиз фаоллари, мутахассислар, экспертлар, хукукшунослар фаол иштирок этишди. Уз навбатида билдирилган таклиф ва мулохазалар, тавсиялар умумлаштирилиб, қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш устида иш олиб бо-

Шундай тадбирлардан бири



ЎзМТДП фракцияси фаолияти:

Барча саъй-харакатларимиз инсон манфаати ва юрт ободлигига қаратилган

Ана шу каби омиллардан келиб чиқиб, **Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик** партияси мухтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ахборот сохасини ислох килиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларни изчил амалга ошириш борасида вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни маънавий-ахлоқий характерга эга бўлган хавф-хатарларнинг салбий таъсирларидан мухофаза килиш, ёшларни миллий қадриятларимизга хурмат ва ватанпарварлик рухида тарбиялаш масаласига алохида эътибор қаратмоқда.

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фракцияси хамда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси хамкорлигида ташкил этилган "Вояга етмаганларнинг маънавий-ахлокий, психологик ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан химоя килишнинг долзарб вазифалари" мавзуидаги давра сухбати "Вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлиги тўгрисида"ги қонун лойихасининг мухокамасига багишланди. Тадбирда эътироф этилганидек, сиёсий модернизация жараёнларида ахамияти тобора ортиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет, мобиль алоқа, компьютер ўйинларидан фойдаланувчилар, видео ва кино махсулотларнинг истеъмолчилари керакли маълумотлар билан бир қаторда, киши онгига салбий таъсир ўтказувчи, жамиятнинг ахлоқий, маънавий-рухий қонун-қоидаларига зид, миллий менталитетимизга мутлако мос бўлмаган шафқатсизлик, зўравонлик ва бошқа иллатларни тарғиб этувчи ахборотларга хам дуч келаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай холатлар, айниқса, вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, рухий ва жисмоний ривожланишига жиддий путур етказади. Ана шу каби омиллардан ке-

либ чиқиб, Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мухтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ахборот сохасини ислох килиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларни изчил амалга ошириш борасида вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни маънавий-ахлокий характерга эга бўлган хавф-хатарларнинг салбий таъсирларидан мухофаза қилиш, ёшларни миллий қадриятларимизга хурмат ва ватанпарварлик рухида тарбиялаш масаласига алохида эътибор қаратмоқда.

Фракциямиз аъзолари ўтган йилда қонунчилик палатасининг ўзлари мансуб бўлган турли

